

ЎЗБЕКИСТОНДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ УАММОЛАРИ

Хусан Абдурахимович Умаров

—ТДПУ технологик таълим методикаси кафедраси мудири *PhD*, доцент в.б.

Аннотация: Мазкур мақолада муаллиф Ўзбекистон республикаси талим тизими соҳасидаги долзарб муаммоларни тахлил қилиш асосида педагог ҳодимларнинг касбий ва педагогик тайёргарлиги, уларнинг компетентлиги масалаларини тадқиқ қилган. Педагогик кадрлар тайёrlаш жараёнидаги камчиликлар, номутаносибликлар ўрганилиб, уларга турли хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар фикрларини умумлаштирган ҳолда ечим ва ҳулосалар таклиф этилган.

Аннотация : В данной статье путём анализа актуальных проблем в сфере системы образования Республики Узбекистан автор исследовал вопросы профессионально-педагогической готовности педагогов и их компетентности. Было изучено недостатки и несоответствие в процессе подготовки педагогических кадров, и предлагаются выводы а также способы решения проблем путем обобщения мнений различных зарубежных и отечественных исследователей.

Калит сўзлар: Таълим муаммолари, касбий педагогик тайёргарлик, касбий компетенция, замонавий талаблар, замонавий тенденциялар.

Ключевые слова: Проблемы образования, профессиональная педагогическая готовность, профессиональная компетентность, современные требования, современные тенденции.

Ҳозир Ўзбекистонда таълимга катта эътибор берилмоқда, таълим сифатига ва битиравчиларнинг касбий тайёргарлигига янги талаблар қўйилмоқда. Бугунги олий таълим тизими касбий фаолиятини такомиллаштиришга қодир шахснинг касбий, ижодий фаоллигини шакллантиришга қаратилган.

Мазкур жадал ривожранаётган даврда бўлажак ўқитувчиларга қўйилаётган талабларни аниқлаш фан, техника, илғор педагогик ва ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва маданиятнинг замонавий ютуқлари асосида талabalар ўқитишни ташкил қилиш ва унинг услубларини мунтазам такомиллаштириш имкониятини беради. Бу эса ўз навбатида мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланиши, жамиятнинг ўсишига таъсир этмай қолмайди.

Кадрлар тайёrlашнинг бошқа йўналишларида бўлгани каби, олий педагогик таълим мазмунида ҳам бўлажак ўқитувчиларни тайёrlаш жараёнида уларнинг касбий фаолияти соҳасини кенгайтириш ва сифат жиҳатидан ўзгартириш билан боғлиқ туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўқитувчининг анъанавий функциялари билан бир қаторда (ўқитиш, таълим, ривожланишга ёрдам бериш, баҳолаш, ота-

оналар билан ишлаш ва бошқалар) таълимни модернизация қилиш шароитида ўз касбий фаолиятини аввалдан лойиҳалаш каби касбий функциялар долзарблашиб бормоқда. Чунки ривожланаётган жамиятимизга ўз танловларининг оқибатларини аввалдан башорат қилиб, мустақил равишда қарорлар қабул қила оладиган, замонавий билимли, юксак маънавиятли ва ишбилармон кадрлар керак.

Шундай қилиб, замонавий ўқитувчи касбий фаолиятни амалга ошириш учун етарлича билим ва қўникмаларга эга бўлиши, онглилик ва лойиҳалаш (мавжуд вазиятларни таҳлил қилиш, устувор муаммоларни ҳал қилиш үсулларини шакллантириш, ўз фаолиятининг истиқболли йўналишларини кўриш ва ҳ.к.) асосида ташкил этиши лозим

Мамлакатда амалга оширилаётган қатор ислоҳотлар таълимини амалий ҳамда компетентли ёндашув асосида ташкил этиш ва компетентликдан бўлажак кадрларни тайёрлаш сифатини баҳолаш воситаси сифатида фойдаланиш борасида янги изланишларни амалга оширишга имкон беради. Бу эса ўз навбатида индивидуал билим, қўникмалар эмас, балки мураккаб педагогик муаммоларни ҳал қилишга қодир ўқитувчининг касбий жиҳатдан муҳим компетенцияларни шакллантириш йўлларини аниқлаш билан боғлиқ бутун бир муаммолар йўналишини тадқиқ этиш эҳтиёжини юзага келтиради.

Авваллари тадқиқотчи ўқитувчилар таълим сифатини оширишда педагогик технологияни жорий этишга эътибор қаратган бўлсалар, сўнгги йилларда кадрлар тайёрлашни модернизатсия қилиш инновацияларни жорий этиш йўналиши бўйича кетмоқда, асосий эътибор ўрганишнинг қийинлиги ва компетенцияни шакллантириш билим эмас, балки таълимнинг мақсадига айланмоқда.⁶⁵

Хозирги кунда барча таълим муассасалари ўзларининг битирувчиларини тайёрлашда ularга келажакда иш берувчи ташкилотлар билан бирга ишлашлари лозимлиги сир эмас. Аммо мавжуд хамкорлик замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган даражада етарлича амалга оширилмайди. Шунинг учун хамкорликнинг замонавий инновацион үсулларини жорий этиш мақсадга мувофиқ

Бўлажак ўқитувчиларни касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш сифати кўплаб омилларга боғлиқ; таълим (ўқув) дастурининг сифати; ўқув жараёнига жалб қилинган педагогик университетларнинг илмий ва педагогик салоҳияти сифати; талабалар сифати (шу жумладан абитуриентлар сифати); ўқув жараёнини воситалари сифати (моддий-техник, экспериментал база; ўқув-услубий таъминот; фойдаланиладиган аудиториялар; узатилаётган (тақдим этилаётган) билимлар ва бошқалар); таълим технологиялари сифати ва бошқалар.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий педагогик тайёргарлигини инновацион ҳамкорлик асосида ривожлантириш талabalарнинг касбий педагогик тайёргарлигини мақсадли шакллантириш учун потенциал имкониятини яратишга қаратилган ўқув

⁶⁵ Kh.A.Umarov Analysis of Approaches to the Formation of Professional Readiness of Students in Uzbekistan (On the Example of Future Teachers) Annals of R.S.C.B., ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue 2, 2021, Pages. 510 - 518

материалларини тайёрлашни ва талабаларнинг ўқув жараёнининг барча таркибий қисмларини максимал даражада фаол ўзлаштиришига, ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, янги билимларни мустақил ўзлаштиришга таъсир этувчи ташкилий шакл, метод ва усулларни тайёрлашда фойдаланишни талаб қиласди. Фанлараро ўқув материаллари таркибини тизимли равишда тайёрлаш қўйидаги усуллар ёрдамида амалга оширилади: тизимли таҳлил қилиш, моделлаштириш, синтез қилиш, ўқув материалларининг ўзгармас ва ззгарувчан таркибий қисмларини ажратиш ва прогнозлаш (башорат қилиш).

Талабаларнинг касбий педагогик фаолиятига тайёрлаш масалаларига бир қанча психолого-педагогик тадқиқотлар бағишлиланган. Бирок, тадқиқотчиларнинг катта қизиқиши ва олинган натижаларнинг аҳамиятига қарамасдан, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий педагогик тайёргарлигини шакллантириш муаммоси ҳали тўлиқ ҳал этилмаган. Бунинг асосий сабаблари қўйидагилардир:

- Бўлажак ўқитувчиларнинг фаолияти мазмуни, моҳияти ва ривожланиш имкониятларини акс эттирадиган касбий педагогик тайёргарлигини шакллантириш жараёнининг назарий ва педагогик асосларини етарли даражада ишлаб чиқилмагани;

- бўлажак мутахассисларнинг касбий фаолиятга амалий тайёргарлигини шакллантириш ўрнига, талабаларнинг у хақида назарий тушунчага эгалиги билан қаноатланувчи ананавий ёндошувларнинг кенг тарқалганлиги;

- жараённи ташкил этишда тизимли таъсир этиш ўрнига, алоҳида бир-бири билан үзвий боғлиқ бўлмаган тасодифий таркибий қисмлардан ташкил топган ёндашувдан фойдаланилаётганлиги;

- Таълим соҳасидаги сифатни баҳолашнинг замонавий талабларига жавоб берадиган, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий педагогик тайёргарлигини шакллантириш натижаларини аниқлаш ва баҳолаш технологиясини ишлаб чиқиш даражаларининг номутаносиблиги.

Мазкур сабаблар бўлажак ўқитувчиларнинг касбий педагогик тайёргарлиги борасида тадқиқотлар ўтказилиши лозимлигини кўрсатади.

Соҳага оид тадқиқотларни О.Ю.(Шаврина⁶⁶, В.А.Сластенин⁶⁷, Е.В.Харитонова⁶⁸, Д.Р.Шукрова⁶⁹ ва бошқалар) ўрганиш натижасида “касбий тайёргарлик” тушунчасига қўйидагича изоҳ берилди: “касбий тайёргарлик - бу ўқитувчини педагогик фаолиятта тайёрлаш жараёнида шахсий ёндашув асосида амалга ошириладиган, аниқ ва тез қарор қабул қилиш, ўз ишига юқори қизиқиш кўрсатиш, талабалари билан алоқани

⁶⁶ О.Ю.Шаврина Ўқитувчининг педагогик акси. Уфа Стерлитамак, 2000

⁶⁷ В.А.Сластенин ва бошқалар Педагогика: олий таълим муассасалари учун ўқув қўлланма/ М.:2008 Издательский центр "Академия"

⁶⁸ Е.В.Харитонова Об определении понятий «Компетентность» и «Компетенция» // Успехи современного естествознания. – 2007. – № 3. – С. 67-68;

⁶⁹ Д.Р.Шукрова Бўлажак ўқитувчининг касбий тайёргарлиги <http://jurnal.org/>

сақлаб туриш, педагогик ўзаро таъсирнинг самарали усуулариға эга бўлиш қобилиятини тавсифловчи мураккаб ҳодиса”

Сўнгги декадаларда педагогик терминологияда “компетентлик” тушунчаси пайдо бўлгандан сўнг бир қатор мутахассислар уни “малака”нинг синоними сифатида қарай бошладилар. Тадқиқотлар натижасида “Компетентликни билим ёки кўникмалар сифатида қарамаслик керак. Компетентлик тушунчаси билимкўникума ёки малакадан кенгроқ тушунча ҳисобланади, у юқоридагиларни ўз ичига олади (бу ўринда, биз компетенцияни шунчаки билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг оддий йиғинди сисифатида қараётганимиз йўқ, бу тушунча бироз бошқача мазмунга эга)” дея фикр билдирган О.Е.Пермяков ва С.В.Меньковалар⁷⁰ шунингдек улар билан бир қаторда, ўқитувчиларнинг касбий педагогик компетентлиги уларнинг тайёргарлигининг ўзига хос хусусияти - касбий педагогик фаолиятига назарий ва амалий тайёргарликларининг бирлиги сифатида қаровчи муаллифларнинг фикрлариға қўшиламиз.

Ўқитувчининг компетентлигини унинг тайёрлиги омили (фактори) сифатида қараб, уни тайёрлик ва касбий педагогик фаолиятни амалга ошириш қобилияти деб белгиладик. Бундай талқин бизга “касбий педагогик тайёргарлик” ва “касбий педагогик компетентлик” тушунчаларини синоним сифатида талқин этиш имкон беради.

Касбий, педагогик компетентлик борасида олиб борилган тадқиқотларимиз мазмун жиҳатдан бизни учта асосий таркибий қисмни ажратиб кўрсатишга олиб келди. Улар қўйидагилар:

- Бўлажак мутахассисларининг касбий педагогик тайёргарлигини шакллантириш ва ривожлантириш учун мақсадли амалий-йўналтирилган ва диққат билан ишлаб чиқилган методология (ўқувжараёни)
- Таълимнинг бевосита амалий (ишлаб чиқариш) фаолияти билан ўзаро боғлиқлиги
- Талаба шахсининг таълимий ва илмий фаолиятида онглилик ва мақсадга йўналганлиги (мотивацияниянг мавжудлиги).

Шу ўринда, бўлажак ўқитувчиларнинг ушбу турдаги компетентлигини шакллантириш жараёнида компетентликнинг таркибий қисми бўлган билим ва кўникмаларнинг статик (ўзгармас) эмас динамиклиги (ўзгарувчан / ўсиб борадиган эканлиги)ни инобатга олиниши лозим. Бу эса ўз навбатида унга ривожланиш ва ўзгариш имкониятини беради ҳамда талabalарни зарур компетентли-йўналтирилган баҳолаш тизимини яратишни талаб этади. Бундан ташқари, олий таълим назарияси ва амалиётида танлаган муаммонинг ҳолатини ўрганиш, профессионал педагогик компетентлик мустақил равишда шаклланмаслигига, балки уни шакллантириш онгли

⁷⁰ О.Е.Пермяков, С.В.Менькова Диагностика формирования профессиональных компетенций монография Москва 2010

амалий фаолиятига асосланган ҳолда маҳсус ҳаракатларини талаб қилиниши ҳақида ҳулоса қилиш имконини берди.

Ушбу муаммони ечимини тақдим этувчи механизм – илмий тадқиқот йўналишларини ва унинг натижаларини тавсифловчи назарий-методологик стратегияни танлашдир. Касбий ва педагогик компетентликни шакллантиришни мураккаб ва кўп қиррали жараён сифатида қаралса, уни тўлиқ ўрганиш фақатгина таълим муассасалари томонидан бир томонлама амалга ошириладиган иш эмас, биз унинг тизимлилигини ва мураккаб тузилмасини таъминлайдиган ва зарур компетенцияларни шакллантиришга имкон берувчи ёндашувлардан фойдаланиш зарур деб ҳисоблаймиз. Мазкур муаммонинг энг тўлиқ ечимини таълим муассасаларининг илмий ва ишлаб чиқариш сектори билан ҳамкорлигини таҳлили сифатида тизимли ва фаолиятга йўналтирилган ёндашув асосида амалга ошириш мумкин. Уларнинг қўшма ўзаро бир-бирини тўлдирувчи фаолияти биринчидан, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий педагогик компетентлигини шакллантириш жараёнини ҳар томонлама ўрганишга имкон беради, бу эса (бўлажак мутахассисларни ўқитишнинг) "ишлайдиган модел"ини яратилишига олиб келиши мумкин, иккинчидан, жараённинг ушбу "ишлайдиган моделини" амалга ошириш учун самарали муҳитни яратиш зарур.

Бу, ўз навбатида, мутахассислардан таълим жараёнини ташкил этишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиши талаб қиласи, бу эса туғилиш даражаси юқори бўлган чекланган инсоний ва моддий-техника ресурслари шароитида жуда кўп сонли талabalарни ўқитишга индивидуал ёндашиш имконини беради. дунёда.⁷¹

Мазкур тадқиқот ишимиз муаммосига оид илмий ҳамда педагогик адабиётларни ўрганиш, тахлил этиш натижасида маълум бўлдики, таълим ислоҳотларини ҳаракатга келтирувчи асосий куч, деб эътироф этилган ўқитувчининг бўлажак касбий тайёргарлигини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар яхлит тарзда тизимли тахлил этилмаганлиги муаммонинг долзарблигини оширади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Kh.A.Umarov Analysis of Approaches to the Formation of Professional Readiness of Students in Uzbekistan (On the Example of Future Teachers) Annals of R.S.C.B., ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue 2, 2021, Pages. 510 - 518
2. О.Ю.Шаврина Ўқитувчининг педагогик акси. Уфа Стерлитамак, 2000
3. В.А.Сластенин ва бошқалар Педагогика: олий таълим муассасалари учун ўқув қўлланма/ М.:2008 Издательский центр "Академия"

⁷¹ X.A.Умаров, З.А.Умарова Использование электронно-образовательных ресурсов в целях создания образовательной экосистемы International Scientific Conference Proceedings “Advanced Information Technologies and Scientific Computing”Санкт-петербург 2018 1318-1320 стр.

4. Е.В.Харитонова Об определении понятий «Компетентность» и «Компетенция» // Успехи современного естествознания. – 2007. – № 3. – С. 67-68;
5. Д.Р.Шукрова Бўлажак ўқитувчининг касбий тайёргарлиги <http://jurnal.org/>
6. О.Е.Пермяков, С.В.Менькова Диагностика формирования профессиональных компетенций монография Москва 2010
7. Х.А.Умаров, З.А.Умарова Использование электронно-образовательных ресурсов в целях создания образовательной экосистемы International Scientific Conference Proceedings “Advanced Information Technologies and Scientific Computing”Санкт-петербург 2018 1318-1320 стр
8. Fotima Abdurakhimovna Umarova. The role of ICT in achieving effectiveness in education. Innovative development of education science. international scientific and practical conference. July 2020